

“ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИДАГИ ҚАДИМГИ ТАЪЛИМОТ”

Маликов Алибек Абдуқайюм ўғли

Ўзбекистон давлат консерваторияси “Академик хор дирижёрлиги”

таълим йўналиши 1-курс магистри

***Аннотация:** Ушбу мақола дунёнинг турли минтақаларида пайдо бўлган дин ва диний еътиқодларга бағишланган, 2-3 минг йил ичида маълум даражада шаклланган, шариат қонун ва қоидалари такомиллашиб, муқаддас китобларга айланган, шунингдек, зардуштийлик Авеста таълимотининг келиб чиқиши, шунингдек, Авестанинг ушбу енг қадимги қисмида еришилган қадриятлар ва бўлимлар, гатларнинг таркибий тузилиши ҳақида ҳам сўз боради.*

***Аннотация:** Эта статья посвящена религии и религиозным верованиям, которые появились в разных регионах мира, сформировались в определенной степени за 2-3 тысячи лет, законы и правила шариата были усовершенствованы и стали священными книгами, а также происхождению учения Авесто Заратустры, а также их ценностям и разделам, которые были достигнуты в этой древнейшей части Авесты также упоминается о структурной структуре ГАТ.*

***Abstract:** This article is devoted to religion and religious beliefs that appeared in different regions of the world, were formed to a certain extent over 2-3 thousand years, the laws and rules of Sharia were improved and became sacred books, as well as the origin of the teachings of Avesto Zarathustra, as well as their values and sections that were achieved in this oldest part of the Avesta also mentions the structural structure of the GATH.*

***Калим сўзлар:** Авесто, Хоразм, Авестонинг қисмлари, тафаккур, адабиёт, Гатлар.*

***Ключевые слова:** Авесто, Хорезм, части Авесто, мышление, литература, Гат.*

Keywords: *Avesto, Khorezm, parts of Avesto, thinking, literature, Gat.*

Маълумки, дунёнинг турли минтақаларида пайдо бўлган дин ва диний эътиқодлар 2 – 3 мин йиллар давомида муайян даражада шаклланган йўл – йўриқлар, акидалар шариат қонун – қоидалари такомиллашиб муқаддас китоблар ҳолига келтирилган.

Жумладан мусулмонларнинг муқаддас китоби “Қуръони Карим”, христианларнинг “Таврот”, “Инжил”, будпарастларнинг “Веда” сингари табаррук китоблари жаҳонга машхур. Шунингдек энг қадимги кўлёзма Авесто китоби Хоразм воҳасида пайдо бўлган ва аста – секин Марказий Осиё, Эрон, Озарбаёжон, Шимолий Ҳиндистонга ёйилган. У қарийб минг йил ўша минтақа халқларининг давлат дини сифатида мавжуд бўлган. “Авесто” рақиблар томонидан уч қарра ўт – оловда куйдирилса ҳам унинг учдан бир қисми бизгача етиб келган.

Авесто — Овасто (парфиёнча: арастак -матн; кўпинча "Зенд-Авесто", яъни "тафсир қилинган матн" деб аталади) - зардуштийликнинг муқаддас китоблари тўплами. А.Марказий Осиё, Ерон, Озарбайжон халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, диний қарашлари, урф-одатлари, форсий ва туркий тилда сўзлашувчи қабилаларнинг ёзувларини ўрганишда муҳим ва ягона манба. Авесто ўрта форс (пахлавий) ёзувига яқин бўлган махсус Авеста ёзувида битилган. Милоддан аввалги 6-асрда, Ахоманийлар сулоласи замонида оромий алифбосида илк бор китоб қилиб кўчирилган. Авестонинг тафсири "Зенд Авесто" номи билан юритилади. Зардуштийлик руҳонийлари кўлида Авестонинг асл нусхаси муқаддас битик сифатида сақланган. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, Авесто Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган. Авестода келтирилган географик маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Мас., худо яратган ўлкалар санаб ўтилар экан, бойлиги ва кўркамлиги жиҳатидан қад. Хоразм, Гава (Суғд), Марғиёна (Марв), Бактрия (Балх) биринчи бўлиб тилга олинади, Орол денгизи (Ворукаша ёхуд Вурукаша) ва Амударё (Даити) тавсифланади. Авестодаги халқнинг дастлабки ватани Сирдарё, Амударё этаклари ва Зарафшон водийси бўлган.

Авесто узок вақт мобайнида шаклланган. Унда келтирилган маълумотларнинг энг қад. қисмлари мил. ав. 2-минг йиллик охири - 1-минг йиллик бошига оид бўлиб, оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда Авесто таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар ва ҳ.к. қўшилиб борган. Дастлабки ёзма нусхаси еса, 12 минг мол терисига битилган деб ривоят қилинади. У Персеполда сақланган. Ахоманийлар сулоласининг пойтахти Шероз яқинидаги Тахти Жамшидда сақланган. Александр (Македониялик Искандар) Еронни забт етганда, бу нусха куйдириб юборилган.

Инсоният тарихининг илк олтин даври тугагач, Хайр билан Шарр (яхшилик ва ёмонлик) ўртасидаги кураш даври бўлган иккинчи давр бошланган. Учинчи даврда Аҳурамазда ғалаба қилиб, езгулик салтанати барқарор бўлади, ўлганлар тирилади. Авестонинг ахлоқий-фалсафий моҳияти "езгу фикр", "езгу сўз" ва "езгу амал" каби муқаддас учлик (ахлоқий триада)да ўз ифодасини топади. Зардуштийлик дини ибтидоий жамоа тузумидан ижтимоий табақаланишга ўтиш даврида вужудга келган, маълум ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни диний шаклда ифодалаган ва кўп худолик (политеизм)дан якка худоликка (монотеизмга) ўтишни акс эттирган. Авесто "Энг мўтабар, қадимги қўлёзма... Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир"

Муқаддас “Авесто”нинг сақланиб қолган қисми 4 та китобни ташкил этади.

1. “Видевдот” - (Ахуромазда ва пайғамбар мулоқотлари).
2. “Ясна”- (Зардушт хатлари (гатлари) ҳамда 72 та башоратлари).
3. “Виспарт” – (оламни билиш ҳақидаги панд насихатлар).
4. “Бундахаш” (Яшта) – Ахуромаздани золим кучларга қарши курашда улуғловчи 22 та қўшиқлар .

“Авесто”да оташпарастлик вужудга келган юрт Арийанэм Войчах (орийларнинг катта маскани) номи билан берилади. “Авесто” ғояларининг яна

бир аҳамиятли жиҳати – жисмоний куч қудратга қарши эзгу инсонларга ҳос бўлган маънавий баркамолликнинг юқори ўринга қўйилганлигидир.

Китоб яратилган макони эса Қадимги Хоразм давлатидир. Бу давлат борсида археология фанининг берган маълумотларидан кўра унинг ҳудудлари анча катта бўлганга ўхшайди. Ҳарҳолда, Авеста китобидаги ўлкалар таърифи шундай фикр юритишга олиб келади.

Мазкур китобнинг юраги бу – Заратуштра гаталаридир. Гаталар Авестанинг энг қадимги қисми бўлиб, ўзига ҳос мураккаб тилда битилгандир, гаталар тили Авестанинг қолган бошқа қисмларидан фарқ қилади. Гаталар ҳажм жиҳатидан кичик бўлсада, (ёрдамчи матнларни ҳам ҳисобга олганда, унда жами 6045 та луғавий бирлик, ёрдамчи матнларсиз эса 5255 та сўз, 896 та қатор, 238 та банд, 17 боб ҳоити муножот бор) унда Заратуштра таълимотининг мағзи берилган. Инсониятга ҳозиргача маълум бўлган манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, гаталарда илк маротаба яккаҳудолик – ваҳдоният ғоялари илгари сурилади. Бу тарихий ҳақиқат дин моҳиятини тўлиқ англамаслик, дин вакиллари томонидан муқаддас деб эътиқод қилинувчи калом – мансаралар тилини билмаслик натижасида бузиб кўрсатилди. Буни ўз вақтида англаган авесталог олимлар Заратуштра гаталарини айнан авеста тилидан таржима қилиш кераклигини қайта – қайта таъкидлаб келмоқдалар.

Гаталарда кўплаб рамзий белгилар, яширин ишоралар қўлланилганки, айнани мана шу омил жуда кўплаб тадқиқотчиларни янглишиб кетишларига сабаб бўлади.

Адабиётлар:

1. Авестология Тадқиқотлари – Тошкент “Университет” 2018 й
2. “Авеста”нинг бизгача етиб келган қисмлари назм ва насрий баён усулларидан фойдаланилган.
3. Зардуштийлик Хрестоматияси – Г.Т.Маҳмудова, М.М. Исҳоқов, Б.Б. Жалолов 178 б. Тошкент ш “Мумтоз сўз” 2017 й.
4. Г.Т. Маҳмудова, М.М. Исҳоқов, Б.Б. Жалолов Зардуштийлик Хрестоматияси – Т., 2017

5. Авестология Тадқиқотлари – Т., 2018

6. М.М. Исҳоқов Авеста: “Видевдот” китоби – Т., 2007